

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 15 (10.320)

2005 ЙИЛ 24 ЯНВАРЬ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртини фаолиятини ўрганиш мақсадида Тошкент Тўқимачилик ва саноат институтида бўлиши.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети-нинг талабалар уйида академик ёзувчи Ойбек ижодининг тарбиявий аҳамиятига бағишлаб уюштирилган давра суҳбатида ўзбек филологияси факультетининг профессор ўқитувчилари ҳамда талабалари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кўргазмалар

SONY ФИРМАСИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

Шаҳримиздаги бизнес-марказда икки кун давомида маиший Видеокамералар ва видеомагнитофонлар, CD ва DVD тизимларининг илк яратувчиси бўлмиш жаҳонга машҳур Sony фирмаси тасвирга олиш ва узатиш аппаратларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, кўргазмага қўйилган телевизион анжонлар, видеоконференцалоқа тизимидаги янгиликлар, мониторинг техникалари, бир сўз билан айтганда, янги технологиялар мамлакатимиздаги телекомпаниялар, кўриқлаш фирмалари вакиллари ва бошқаларда катта қизиқиш уйғотди.

Кўргазма доирасида Sony фирмаси вакиллари иккита амалий семинар ўтказишди, унда ўз янги маҳсулотларининг имкониятларини кўрсатишди.

Шаҳримизда намоиш этилган Сониунг энг янги ишланмаларига назар ташлар эканмиз, улар орасида PCS-1P, PCS-11P каби видеоконференцалоқа мультимедия тизимлари, шунингдек, PCS-

TL50P видеоконференцалоқанинг моноблок тизими каби янги анжонлар борлигига гувоҳ бўламиз. Компания мутахассисларининг таъкидла-



шича, бундай ишланмалар оддий ва фойдаланишда қулай бўлиши билан бирга, самарали коммуникацияга эришишнинг табиий йўлидир.

Кўргазмада видеокузатиш тизимининг ҳам замонавий ан-

жонлари намоиш этилди. Уларнинг барчаси тўлалигича рақамли асосда бўлиб, уларда ҳар қандай замонавий офисда мавжуд бўлган маълумотларни узатишнинг стандарт тармоқларидан фойдаланилади.

Энг муҳими, Сониунг замонавий тасвир узатиш тизимлари орқали маълумот ва тасвирларни бевосита воқеа жойининг ўзидан узатиш имкониятига эга технологиялар барча мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу кўргазманиннг Sony фирмаси билан алоқаларининг янада ривожланишида ўзига хос ўрин тўтишига шубҳа йўқ. **(Ўз мухбиримиз)**

СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов олган суратлар.

XXI аср
Барча маъналардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда.

● Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташаббуси билан АДХ давлатлари авиация хавфсизлиги хизматлари вакиллариининг халқаро йиғилиши бўлиб ўтди.

● Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги агросервис касб-ҳунар коллежига Япония халқаро ҳамкорлик банки — JBIS томонидан ажратилган 562 миллион сўмлик кредит ҳисобига ўқув юрти синфхоналари сўнги русумдаги компьютер ва мебель билан таъминланди.

● Қоракўл туманидаги Галабек қишлоғида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди. Янги тиббиёт маскани қишлоқдаги 2 минг нафарга яқин аҳолига маънавий хизмат кўрсатади.

● Наманганда фан янгиликларини таҳлил этиш ва ишлаб чиқиб жорий қилиш бўйича жамоатчилик маркази иш бошлади. Янги марказнинг тўртта йўналиши бўйича фаолият юритиши кўзда тутилмоқда.

● Гиждувон туманида Халқ таълими вазирлиги қошидаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг филиали ҳамда ҳомийлар ажратган 277 миллион сўм эвазига кўркам спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Икки қаватли мажмуада ҳар куни 900 дан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўн тури билан шугулланиш имкониятига эга.

Жаҳонда

● Вашингтонда Америка Қўшма Штатларининг 43-Президенти Жорж Бушнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Иккинчи муддатга сайланган Президент ҳалол ва халқига садоқатли бўлиши тўғрисида қасамёд қилди.

● Исроил ҳукумати Фаластин мухториятининг янги раҳбари Махмуд Аббосга терроризмга қарши кураш бошланиши учун 100 кунлик муҳлат берди.

● Ироқда сайловлар арафасида террорчилик ҳаракатлари кучаймоқда. Жумладан, Бағдод шаҳридаги амалга оширилган иккита портлаш натижасида 25 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Таиланднинг Жанубий қисмида цунамидан оғохлангирувчи махсус қурилма ўрнатилди.

● Москвадаги Халқаро мусиқа уйида «Рус мусиқаси юлдузлари» халқаро фестивали доирасида Россия ва Ўзбекистоннинг машҳур опера хонандалари — Елена Оброзцова ва Мюссар Раззоқованиннг биргаликдаги концертлари муваффақиятли ўтди.

2005 - Сихат-саломатлик йили

ИНСОН ҲАЁТИ – БЕБАҲО

2005 йил Президентимиз Ислом Каримов томонидан Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши халқимизнинг сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатишни тақомиллаштиришдек хайрли ишлар қўлини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Бу борада суғурта соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолининг ҳаёти ва соғлигини суғурта қилишга ихтисослашган «Ўзбекинвест ҳаёт» суғурта компанияси бош директори Олимжон ИКРОМОВ бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бахтсиз ҳодисадан суғурталаш ва ҳаётни суғурталашга доир суғурта турлари Ўзбекистон суғурта тизимининг таркибий қисмига айланиб борапти, — деди у. — Бунда суғурта объекти сифатида мулк эмас, балки инсон ҳаёти ва соғлиги олинади.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида ўтказилаётган изчил ва самарали ислохотлар аҳоли соғлигини муҳофаза этиш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, инсон ҳаёти ва соғлигини суғурталашнинг самарали тизимини яратиш имконини бермоқда.

Муассасамизнинг низоом жамғармаси ярим миллиард сўмдан иборат. Ўтган йили ўн мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахс билан шартнома имзолаб, беш миллиард сўмлик суғурта мажбурияти олдиқ, тушумлар миқдори салкам 150 миллион сўмга етди.

Хусусан, суғуртаниннг хорижий сафарга чиқувчи юртодшларимиз учун очилган тиббий суғурта тури кўпчиликка маъқул келмоқда. Фуқаро хорижга борган, тўсатдан бетоб бўлиб қолса, қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, унга шу мамлакатнинг етакчи тиббий муассасалари томонидан тезкор тиббий хизмат кўрсатилади.

Даволаниши учун сарфланган харажатлар тўланади.

Масалан, 2004 йилнинг сентябрь ойида икки миждимиз иш юзасидан Францияга борганида, қутилмаганда бирининг аэропортда юрак хасталиги хуруж қилади. Беморга ўша жойининг ўзида француз шифокорлари томонидан тез тиббий ёрдам кўрсатилди, у тўрт кун мобайнида маҳаллий касалхонада даволанди. Компания бу ҳолат бўйича миждимизнинг даволаниши учун кетган харажат — салкам минг АКШ доллари миқдоридagi суғурта мажбуриятини қоплади.

Ваҳоланки, у суғурта полисини сотиб олиш учун бор-йўғи қирк тўрт минг сўм сарфлаган эди.

Туркияга саёҳат қилган яна икки миждимиз — ота-бола денгиз соҳилида дам олишаётганида, «офтоб уриши» на-

тижасида ота ҳушидан кетади. Унга шу жойининг ўзида зарур тиббий ёрдам кўрсатилади. Харажат учун кетган 500 АКШ доллари эса компания ҳисобидан тўланади. Айтиш жоизки, бу миждимиз суғурта шартномаси учун атиги 35 минг сўм сарфлаган эди.


Бундай қалтис ва ўта нозик жараёни амалга оширишда бизга Швейцариянинг «Evia» компанияси билан тузилган ҳамкорлик битими жуда қўл келмоқда. Шартномага биноан хорижга чиқаётган барча миждимизга сафар чоғида буюм-юкларининг йўқотилиши натижасида кўриладиган зарар, бахтсиз ҳодиса юз берганида кўрсатилган тез тиббий, ҳуқуқий ёрдам, тиббий-транспорт хизмати учун кетган харажатлар тўла қопланади.

Шақлангариладиган суғурта фонди фақат зарар оқибатини тугатишни эмас, балки унинг олдини олишни ҳам назарда тутди.

Ўз ҳисобимиздан миждимизни профилактик кўриқдан ўтказиш ҳам йўлга қўйилган.

Шу мақсадда республикамиздаги йиғирмадан зиёд клиника билан шартнома имзолаганмиз. Компаниямизда ташкил этилган диспетчерлик хизмати эса туну кун ишлайди ва миждимиздан талаб-таклифлар қабул қилади. Бунда миждимиз тиббий суғурталаш жараёнида бирламчи профилактик кўриқдан ўтиши таъминлайдиган суғурта тури, айниқса, қўл келаётир.

ЎЗА мухбири Лазиз РАҲМАТОВ ёзиб олди.



Жаҳон ва оммавий ахборот воситалари хабарларидан

● Россия президенти Владимир Путин ҳамда Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбаевлар икки давлат чегаралари тўғрисидаги битимни имзолашди. Бундан бир муддат олдин ушбу ҳужжатни икки давлат парламентлари ратификация қилишган эди. Кремлда бўлиб ўтган икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида минтақада кечаётган интеграциялашув жараёни ҳам муҳокама қилинди.

● Ироқ ҳукумати 30 январга мўлжалланган сайловлар жараёнини хавфсизлигини таъминлаш учун мамлакат чегарасини уч кунга ёпиб қўймоқчи. Бундан ташқари мамлакатда комендантлик соати ўзатирилиши ва автомобилларда ҳаракатланиш учун махсус руҳсатномалар берилиши қўшимча чоралар сира-сига қиради. Мамлакат чегараси 29 дан 31 январгача ёпиқ бўлади. Шу уч кун дам олиш кунли сифатида эълон қилинди.

● Данияда муддатидан илгари — 8 февралда умумхалқ сайловлари ўтказиш белгиланди. Бу ҳақда бошқарувдаги Либерал партия вакили маълум қилди. Мамлакат қонунларига биноан бош вазир ўз мандати даврида муддатидан илгари сайлов ўтказиш ҳуқуқига эга. Амалдаги ҳукумат ваколатининг муддати шу йил ноябрь ойида тугайди.

● Шри-Ланка ҳукумати цунамидан зарур кўрган ҳудудларни қайта тиклаш учун 3,5 миллиард доллар зарур бўлишини маълум қилди. Ҳукумат вакили ишлаб чиқилган ушбу режа мамлакатдаги сиёсий партиялар ва нодавлат-нотижорат ташкилотлар томонидан ҳам муҳокама қилинишини билдирди. Юқорида қайд этилган маблағнинг катта қисми давлат бюджетидан сарф қилинади.

● Конго Демократик Республикасидаги Касаи дарёсида юк ташиш кемаси чўкиб кетди. Ҳукумат вакилининг маълум қилишича, 80 нафар одам ҳалок бўлган. Воқеа Тшикапи шаҳри яқинида рўй берди. Шаҳар мэри Юбер Тшингонинг айтишича, ўлганлар сони ҳозирча аниқ эмас. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарда нобуд бўлганлар сони 200 нафарга етиши мумкин дейилади.

● Махачқалъада Беслан воқеаси такрорланиши мумкин эди. Догистон Республикаси ИИБ хабар беришича, Махачқалъада содир этилиши уштираётган йирик терактнинг олди олинган. Бир гуруҳ жангарилар терактлар содир этиш учун шаҳар марказига йўл олишган бир вақтда милиция ходимлари қаршилигига учради. Ҳазаро отишмалардан сўнг жангарилар чекиниб икита уйни яшовчилари билан гаровга олишган. 17 соат давом этган отишмалардан кейин гаровдагилар озод этилган. Отишмалар чоғида уч нафар махсус хизмат ходими ва тўрт нафар жангари ҳалок бўлган. Ўтказилган рейдлар натижасида жангарилар қурол-аслаҳаси жойлаштирилган уй топилиган.

Иқтисодиёт

ТЕЗ ОРАДА ДУНЁ ТАНИЙДИ

Ўтган йилнинг охирида ташкил этилган "Alkim-tekstil" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳсулотларининг 80 фоизи келгусида хорижий давлатларга экспорт қилинади.

Жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлган Туркиянинг "Alkim-tekstil" йирик компанияси муассислигида вужудга келган янги корхона туркиялик тадбиркор Вадет Заимнинг сайб-харакатлари ҳамда 3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi Низом жамғармаси асосида иш бошлади.

Туркиянинг замонавий технологиялари ва Германиянинг тикув ускуналари билан таъминланган корхонада иш икки сменада олиб бориляпти. Бу ерда асосан мактаб ёшдагилар учун футболкалар, майкалар ва чақалоқлар учун бош кийимлар, ҳам кулаб, ҳам танага ботмайдиган бежирим енгил устки кийимлар тайёрланади.

Корхонанинг тўкув ва тикув цехларида айти пайтда 156 нафар ходимлар иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг кўпчилигини маҳаллий ёшларимиз ташкил қилади.



— Иш бошлаганимизга унча кўп бўлмади. Аммо ишлаб чиқариш сифати кўнгилдагидек, десам янглишмайман, — дейди қўшма корхона бош директори Вадет Заим. — Корхонада ҳозирча тўкув ва тикув цехлари ишлаб турган бўлса, яқин кунларда бўяш цехи фаолиятини ҳам йўлга қўямиз. Бу ерда матоларга ранг берилади. Шу аснода янги иш ўринларини ҳам ташкил қиламиз. Келгусида корхона ишчилари сони 300 нафарга етказилади.

Айти пайтда ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё, ип-калага "Кобул Ўзбек CO LTD" ҳамда "Оим — текстил" корхоналаридан олинади. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак корхонанинг бир йил-

лик ишлаб чиқариш қуввати 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорини ташкил қилса, 2006 йилда бу кўрсаткич 5 миллион АҚШ долларига етказилиши кўзда тутилган.

Жамоа тадбиркорлари ички бозоримизни сифатли моллар билан тўлдиришдан ташқари яқин кунларда 80 фоиз маҳсулотни Германияга экспорт қилишни режалаштирган. Экспортдан қўриладиган фойда албатта корхона ривожига улкан ҳисса қўшиши табиий. "Alkim-tekstil" да тайёрланаётган маҳсулотларни тез орада дунё танийди.

Орзугул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: "Alkim-tekstil" қўшма корхонаси фаолиятидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

ЛОЙИҲА МУАЛЛИФИГА МУКОФОТ

Жанубий Кореядаги «ЛЖ Электронис» компанияси билан Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида тайёрланган ижтимоий лойиҳалардан бири «Грант ЛЖ» деб номланади.

Унинг дастури Тошкент шаҳридаги олий ўқув юрталари талабалари — бакалавр ва магистрлари ўртасида ўтказилиб, ғолиб чиққан 10 нафар иқтидорли ёшлар «ЛЖ электронис» компани-

яси томонидан пул мукофоти билан тақдирланадилар. Ўтган ўқув йили бўйича дастурда иштирок этган Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси Асдор Йўлдошев ижтимоий

лойиҳанинг энг яхши муаллифи деб топилди.

Айти вақтда Жанубий Кореяга саёҳат қилиш учун унга бепул йўлланма берилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Германиянинг Маннхайм шаҳрида "Райземаркт Рейн-Неккар-Пфальц" сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи сайёҳлик компанияси ва фирмаларининг вакиллари ҳамда ўзбек миллий хунармандчилик санъати усталари ўзларининг замонавий хизмат турлари ва ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИГИ ЖАҲОН КЕЗМОҚДА

"Райземаркт Рейн-Неккар-Пфальц" ярмаркасининг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан "Телемаркетинг-Сервис ГмбХ" компанияси раиси Клаус Франк, ушбу ярмаркада иштирок этган Ўзбекистон вакиллари самимий кутлаб, мамлакатимизнинг жаҳон маданий меросига айланган гўзал ва мафтункор тарихий обидалари, сайёҳлик соҳасидаги кенг имкониятлари, бу соҳанинг ҳали очилмаган қирраларига тўхтади.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси раиси Б.Хусанбоев республикамиз туризм соҳаси ҳали ёш бўлишига қарамасдан, юқори салоҳиятга эгалиги, соҳани

ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бу йил 100 миллион евро миқдоридида сармоявий дастур ишлаб чиқилиб, ушбу маблағ асосан янги меҳмонхоналар қурилишига сарфланажagini таъкидлади.

Бундан ташқари, мамлакатга меҳмон бўлиб келувчи сайёҳларга етарли даражада хавфсизлик чоралари қўрилгани тўғрисида ҳам кўп сонли ярмарка иштирокчиларига маълумот берилди.

Маннхайм шаҳри бош бургомистри Н.Эггер 2004 йил май ойида Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий ва бетакрор

шаҳарларни ўз кўзи билан кўриб завқлангани, ўзбек халқи меъморичилиги ва маданиятининг сир-синаотга жуда бойлигидан кечисиз ҳайратлангани ҳақида йирилганларга тўлқинланиб гапириб берди. У шунингдек, бугунги кунда мамлакат иқтисодиёти тобора юксалиб, ғарб давлатлари эътиборини ўзига жалб этаётгани, бу ўринда туризм соҳасини ривожлантириш айти муддао бўлишига алоҳида ургу берди. Ўзбекистон Буюк ипак йўлида жойлашгани бос, ўзининг жаҳон маданияти дурдонасига айланган 4 мингдан зиёд тарихий обидалари билан кўплаб саргузаштманд хорижлик сайёҳларга доимо Шарқнинг "Минг бир кеча эртаклари"ни эслатиш туршини қайд этди.

Ўзбек санъат усталари ижросидаги дилтортар куй ва рақслар ярмаркага ташриф буюрганларнинг мамлакатимизга бўлган қизиқишини янада орттирди.

Баҳроддин АСЛАНОВ, "Жаҳон" ахборот агентлиги, Маннхайм шаҳри.

САНОАТЧИЛАРГА КЎМАК

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида саноат корхоналарига консалтинг хизмати кўрсатадиган Япония лойиҳасининг тақдими ўтказилди.

Бу лойиҳани амалга оширишни Шарқий Европа ва Россия билан савдо қилувчи Япония уюшмаси ўз зиммасига олган. Маълумки, Япония Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкори ҳисобланади. Бу лойиҳани иккала мамлакатнинг келгусидаги иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш, Япония бошқарув тажрибасини қўллаш асосида республикамиз саноатини ривожлантиришга кўмак бериш мақсадида амалга ошириш мўлжалланган.

Шарқий Европа ва Россия билан савдо қилувчи Япония уюшмасининг вакили Мики Вадзиманинг фикрича, лойиҳанинг асосий мақсади бозор иқтисодиётига ўттиш даврида Ўзбекистоннинг саноат корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Биринчи босқичда "Сино" ва электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган "Реле автоматика" акциядорлик жамиятларига кўмак берилди.

Лойиҳа 2003 йилда бошланиб, 2004 йилда ниҳоясига етказилди.

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида СМАК маиший хизмат кўрсатиш маркази иш бошлади. Марказнинг очилиш маросимида 30-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун хайрия тadbiri ташкил этилди.

Ҳамза туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни юқори даражага кўтариш мақсадида ташкил этилган СМАК кафеси замонавий дизайн ва услубда таъмирдан чиқарилди. Бундан олдин бу маскан ташландиқ аҳволда бўлиб, маҳалла ахлини анча ташвишга солиб турган эди. Шу боис ушбу маиший хизмат кўрсатиш марказининг ташкил этилиши маҳалла ахлига катта қулайлик туғдирди. Маиший хизмат кўрсатиш маркази ходимлари дастлабки иш фаолиятини хайрия тadbiri билан бошлашди. Пойтахтдаги 30-сонли Меҳрибонлик уйининг 90 нафар болаларига дастурхон ёзилиб, кўнгилочар дастур намоиши этилди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ, "Туркистон-пресс"

Санъат

БИЛИМ ВА ИСТЕЪДОД ДАРГОҲИ

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби Марказий Осиеда ягона ҳисобланган билим ва маҳорат даргоҳидир. Унинг Тошкент хореография билим юрти негизда ташкил топганига саккиз йил бўлди.

Янги мақомга эга бўлиши олий мактаб фаолиятини янада ривожлантириш, кўплаб истеъдодларни тайёрлаш учун кенг йўл очиб берди.

Ҳозир бу ерда «Хореография санъати» бакалаврлик йўналишидан ташқари «Хореография жамоалари раҳбарлари», «Хореография режиссёрлиги», «Хореография педагогикаси», «Хореография санъати тарихи ва назарияси» мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда. «Балет артисти», «Ансамбль артисти» бўлимлари орқали ҳам умидли ёш санъаткорлар мустақил ижод сари йўналтирилмоқда.

Мазкур даргоҳ ҳали ёш бўлишига қарамай халқаро алоқалар боғлаш имкониятига ҳам эга бўлди. Франция, Швейцария, Япония каби мамлакатлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўз ижобий натижасини бермоқда.

Олий мактаб ҳузурида махсус хореография коллежи фаолияти ҳам давр талаблари асосида кенгайтиб бормоқда.

Мамлакатимизда рақс санъатини ривожлантириш ишига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган бу даргоҳ бундан кейин ҳам умидли ёш санъаткорлар учун сеvimли ўқув маскани бўлиб хизмат қилади.

АНСАМБЛНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг ашула ва рақс ансамбли ўзининг бой концерт репертуарига эга. Кейинги йилларда ижодий гуруҳ яна қатор янги мусиқали дастурларни мухлисларга тақдим этди.

Она-Ватанимизни, марду-майдон жангчиларини мадҳ этувчи тароналар айниқса кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Ансамбль томонидан янги тайёрланган концерт дастури ҳам мухлисларга янги йил совғаси бўлди. «Она-Ватан», «Армиям», «Ўзбек учувчилари» каби қўшиқ ва рақслар ҳам яхши кутиб олинди.

Акбар АЛИЕВ

Маълум

ОЛИМПИАДА ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш хайрли анъана тусига кирган. Олимпиада голиблари эса Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Ушбу хайрли ташаббус Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг 2004 йил 1 ноябридаги 215-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тест маркази томонидан 2004 йил 29 октябрдаги 01-257 сонли «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан кўллаб-қувватланиб, 1000 га яқин ўқувчилар ўз билимларини синаб, олимпиадаларда қатнашиб келмоқдалар.

Яқинда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги мактабларнинг 5-синфидан 11-синфигача бўлган ўқувчилари иштирокидаги фан олимпиадасининг шаҳар босқичи уч босқичда ўтказилиб, қатнашчилар аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича имтиҳон тошширишди. Жорий йилдаги олимпиаданинг шаҳар босқичида иштирок этишни хоҳловчи барча ўқувчиларга катта имкониятлар яратилди. Чунончи физика, химия, информатика, биология, математика каби аниқ фанлар йўналиши бўйича фанлар олимпиадасида иштирок

адасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Қатнашчилар шаҳримиздаги 11 туманда ўтказилган фан олимпиадасининг голибларидирлар. Олимпиадада жами 315 мактабдан 555 нафар ўқувчи иштирок этиб, 19 та фан бўйича тест синовларидан ўттишти.

Этиборли томони шундаки, фан олимпиадасининг шаҳар босқичи уч босқичда ўтказилиб, қатнашчилар аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича имтиҳон тошширишди. Жорий йилдаги олимпиаданинг шаҳар босқичида иштирок этишни хоҳловчи барча ўқувчиларга катта имкониятлар яратилди. Чунончи физика, химия, информатика, биология, математика каби аниқ фанлар йўналиши бўйича фанлар олимпиадасида иштирок

этиб голиб бўлганлар, Республика босқичида қатнашиш баробарида Халқаро олимпиадаларда ҳам иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишлари шулар жумласидандир.

Аниқ фанлар йўналиши бўйича голиблар халқаро ташкилотлар ўтказиладиган кўрик-танлов ва олимпиадаларда 3 кишидан ошмаган ҳолда иштирок эта оладилар.

Бир неча кун давом этган фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 177 нафар голиблар аниқланиб, тақдирланди ва Республика босқичига йўлланиши қўлга киритди. Республика босқичида голиб бўлган ўқувчилар эса олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Юлдуз УСМОН

Республикаимизда театр расомчилиги жанри ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги мўйқалам усталари ижодий бирлашмасида бундай илланувчан санъаткорларни кўплаб учратиш мумкин.

МУЗЕЙДА РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Тасвирий санъатнинг ушбу жанрини пухта эгаллаб, сермаксул ижодкор бўлиб танилган Александр Ревес асарлари ҳам таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуаридан ўрин олган бир неча спектаклга тайёрланган либослар эскизлари унинг жиддий ижодий ютуғи бўлди. Композитор Вердининг «Дон Карлос» операсининг муваффақиятини таъминлашда рассом яратган либослар эскизлари муҳим ўрин тутди.

Яқинда рассом бу каби ижод намуналарини жамлаб алоҳида кўргазма ташкил этди. Бу қизиқarli экспозиция Тошкентдаги Мухтор Ашрафий уй-музейида томошабинларга кўрсатилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Шу «лекин» «аммо»лар ёмон-да. Кунни кеча пойтахтимизда гупиллатиб қор ёққан куннинг эртасига тонг саҳардаёқ «лекин»лар ҳам кўпайиб кетди. Сирасини олганда, қиш-қишлигини қилади, барчамизни ўз қорюю изгиринлари, қаттиқ совуқлар билан «сийлаши» табиий. Бу кутилмаган ҳол эмас. Шу боис ҳам хамиша қишга тайёргарлик кўрамыз. Ахир «Ёз ёпинчигини» ташлама, қишда ўзинг биласан», деган нақл беҳиз айтилмаганда...

Айниқса, ҳеч кимга сир эмас, ёгингарчилик бўлган вақтларда шаҳримиз жамонат транспорти қатновида турфа хангома-лар бошланади. Бу йилги қишнинг биринчи қаттиқ қориди ҳам худди шундай бўлди.

Душанба оғир кун дейишди. Бунинг устига дам олиш кунни тинмай қор ёққан, йўллар ҳам хаминқадар бўлса керак деб ишга ярим соат зотароқ отлангандим. Бироқ бекатга чидимку тўп-тўп йўловчиларни кўриб ҳафсалам пир бўлди. Йўллар сирпанчик, Марказий йўлларни хисобга олганда «Рисовий» бозоридан «Жанубий» темир йўл вокзалига бўлган йўлларга нақум, на туз сепилган. Транспорт воситалари ҳам зўрга ҳаракат қиляпти. Ярим соат деганда тебраниб-тебраниб 55-автобус кўринди, лекин тикилинда чиқиб бўлмади. Иккинчисида амаллаб «Жанубий» темир йўл вокзали шохбекатига етиб олдим. Бу ерда 60-автобусни ярим соатдан ортиқ кутишга тўғри келди. Тўғриси, бекатда йўловчилар шунақанги кўпки, ҳаммаси ҳам манзилга (ишга, ўқишга) тезроқ етиб олиш ҳаракатида.

Шу ўринда бир нарсани айтиш ўринли: ушбу шохбекатда йўловчилар учун ҳеч қандай шариот яратилмаган. Ёзин-қишин автобус кутиб тураверасизу на бирорта ўриндик, на бирорта соябон бор. Бунинг устига ҳустуий такси ҳамда маршрутли таксилар тартибсиз жойлашиб, ҳам йўловчиларга, ҳам автобусларга ҳалақат беришди.

...Хайрият, 60-автобуснинг қораси кўринди. Чипта сотилмагани учун аввал биринчи, кейин иккинчи, сўнгра учинчи эшиклар очилиб чиптани пул йўлга бошлади. Йўловчиларнинг «Намуна кечикасизлар, ахир мана шундай пайтда ҳар 10 дақиқада юришларинг керак-ку» деган эътирозига чиптани: «Гаражда автобуслар мазлаб ётибди, биз айбдорми, ҳавони кўрмаясизми. Келганимизга шукр қилинг», дея зардали жавоб қайтарди. Чинданам шукр дедик-да, бир-биримиз-

ни туртиб, итариб автобусга чиқиб олдик. Ким-ким биландир уришган, ҳаттоки сўкишган... Шу пайт ёнимда турган йўловчи: «Ана сизга қиш тайёргарлиги, ўз ишига масъулият», — деди.

Чиндан ҳам ўша кунни кўплаб ҳамшарҳларимиз транспорт хизматидан шикоят билан бирга кўнгирак қилишди, ишга, ўқишга кечикиб ҳайфсан олганлар ҳам анчагина бўлди. Тўғри, қор, совуқ, автобуслар музлайди, юрмай қолади, кўчалар яхмалак бўлади. Шуларнинг барчасини енгиб йўловчиларни манзилларига бекатар етказган ҳайдовчиларга раҳмат. Ле-

дан кейинги бекатда 10-20 дақиқалаб одам йиғиб, йўловчиларнинг асабига тегаяпти, — деб кўнгирак қилди йўловчи Адхам Йўлчиев.

— Айрим йўналишдаги автобуслар ҳар бир бекатда маълум муддатга тўхтаб, одам йиғишни одат қилиб олишган, — деб ёзибди талаба Гулноза Ниёзова. — Жумладан 53-автобус ҳам. Бунинг устига чиптачиларнинг ҳар бир бекатда йўловчиларни «санаб» тушириши ҳам асабга тегмоқда. Ахир уларнинг биринчи вазифаси чипта сотиш эмасми?

Этирозу шикоятлар етарли, миннатдорчиликлар ҳам йўқ эмас.

— «Мерседес» автобуслари йўловчилар учун энг қулай транспорт воситасига айланди, — дея ёзади меҳнат фариши Тожибой Орипов. — Уларни йўловчиларимиз ҳам авайлаб-асрашлари лозим, бу фақат ўзимизга фойда.

Албатта, ҳайдовчи ва чиптачиларнинг ҳам йўловчиларга ўз сўзлари, этирозлари етарли. Улар кўпичина сохта ҳужжат эгаларидан, «кўён»лардан, автобус салонларига тартибсиз муносабатда бўлаётганлардан нолишадди, айримлари эса кўпичина «режа»ни ҳам рўқча қилишди. Лекин нима бўлганда ҳам сиз йўловчиларнинг манзилини яқин қилиш, ҳавф-хатарсиз намунали хизмат кўрсатиш масъулиятини олгансиз. Шунинг учун хизмат ҳақиқага яраша бўлиши керак.

Яна кечаги қорга ўтсак. (Чунки, ҳали олдинда яна ёғадиган қорлар бор). Албатта, қишини қорсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу унинг зийнати, ажойиб хислати. Лекин ана шунини эътиборга олиб, ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ҳам ўз юмушларини вақтида удалашлари керак-да. Шохкўчаю бошқа кўчалар ўз йўлига, аммо йўлакларни? Бекатларда, йўлакларда сирпанчикдан тойиб йўқилиб жароҳат олганлар, бахтсиз ҳодисага учраганлар ҳам йўқ эмас. Негадир бирорта фаррошнинг йўл очганию, ўзига қарашли ҳудудда йўлакларни муздан эритиш чораларини кўрганни кузатмадик. Ваҳоланки, айрим йўлакларда ҳамон сирпанчиклар йўловчиларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Кексаларимиз таъбири билан айтганда, «Кўпи кетиб ози қолди». Лекин юқорида айтганимиздек, қишнинг бир кунни ҳам қиш, қиш қишлигини қилади. Шунинг учун ҳам бепарволик ярашмайди, тайёргарлигингиз панд бериб қўймасин. Ҳали масъулиятли кунлар олдинда.

Шарифа ИЛЁСОВА

Аттиқ, аммо оғиқ гап

ЭЪТИРОЗГА ЎРИН БОР

Халқимизда «Қолган ишга қор ёғар» деган ажойиб нақл бор. Шу боис ҳам ҳар бир юмушнинг вақтида, шунинг баробарида рисоладагидек бажарилгани яхши-да. Ана шунда ортиқча асаббузарликлар, сансалорликлар бўлмайди. Лекин...

кин, қор ёғиши билан совуқ кунда музлашни биллиб, уни авайламаган, кўчаларда сирпанчикқа қарши чора-тадбирларни вақтида амалга оширмаган масъулларга нима дейиш мумкин?! «Қиш тайёргарлигини ёқтиради», деймиз. «Мавсумга ҳамма нарса тахт» дея маълумотлар берамиз. Аммо, биргина ёққан қор барчамизни синаб қўяди.

Эътирозга ҳам ўрин бор-да. Чунки қишнинг деярли ярми ўтиб бўлди, лекин унинг бир кунни ҳам қиш, тайёргарлигини бўшаштирсак, бепарволикка йўл қўйсак, панд еб қолишимиз, шак-шўбхасиз. Яна шунинг ҳам таъкидлаш ўринлики, хизмат ҳақиқага яраша бўлиши керак. Айрим ҳайдовчи ва чиптачилар режани баҳона қилишиб, тартиб-қоидаларни бузишмоқда.

— «Сувсоз» ҳадаси — «Олой» бозори йўналиши бўйича қатновчи 7-автобусда чиптачилар ҳеч қачон чипта сотишмайди, —деб ёзибди ҳамшарҳимиз Гулноза Жўраева. — Бунинг устига охириги бекатда турганига қарамай «Амир Темур» шохбекатига келиб ярим соатлаб тўхтаб туради. 93-автобус етиб келгангина бир-бири билан «пойга» ўйнайди.

— Юнусободдан «Кўйлик» мавзесига қатновчи 93-автобуснинг имиллаб юргани етмагандек, охириги бекатдан ташқари «Кўйлик бозори» шохбекатида ҳамда ун-

Шарқ дурдоналари

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА
Домо бўлур...

● ХИҚМАТ. Айбиндан хабар топиб, уни бировларга ошкор қилмайдиган, сенга яхшилик қилса уни таъна қилмайдиган, унга яхшилик қилсанг асло унутмайдиган одам билан дўстлик ипини боғламоқ керак. Байт:

Кўп ҳолатнинг

бўлдим шохиди,

Айб қидирган

бўлди айбдор.

Кимнинг бўлса

юраги тоза,

Ўзга айбин қидирмас

зинҳор,

Дўст айбини

бекитар доим,

Фазилатин мақтайди

такрор,

Яхшилигин улуг

деб бўлмас,

Ўзингни ҳам асло

тутмас хор.

Шундай дўстга дуч

келсанг агар,

Кўлларингдан

чиккара зинҳор!

● Сабабсиз кулги — беодоблик белгиси.

● Ҳар бир дарахнинг меваси бор, кўнгилнинг меваси эса фарзандидр.

● Дўст билан суҳбат қурмоқ гуллар орасида сайр қилмоқ ва ғўзалар нағмасига кулоқ солмоқдан худди.

● Ҳар нарсанинг янғиси, аммо дўстнинг эҳсиси яхши.

● Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир. Кимдаки шу фазилат бор экан, у ғурурланса арзийди.

● Мардлик одамларни хатарли дақиқалардан ажойиб ишларга ундоғчи фазилатидр.

● Хатарни қўрмай бартараф этishi эмас, балки уни юзма-юз қарши олиш мардликдир.

● Луқмони Ҳаким ўз ўғлига айтди: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўлса уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қўйга ташлама». Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма.

Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзига кулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдида тушиб юрма, одамлар олдида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарай-верма, меҳмонлар олдида бировга ўшқирма, меҳмонга эса иш бюорма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсухбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма.

Ўз фойдангни ўйлаб обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўйовчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узок бўл, сенга иш бюорсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уни уaldasидан чик, ҳеч кимни ранжитма.

ХИҚОЯТ: зўравонлик камарини белига боғлаб, ўзига ўнга келадиган чигирткани кўтариб келтаётган бир чумолини кўрдилар. Таажжуб билан айтдилар:

— Бу чумолини кўринг, шу қадар кўнсуз бўлгани ҳолдан бунчалик оғир юкни ташимокда.

Чумоли бу сўзни эшитиб кулди ва:

— Мардлар юкни гавда қуввати ва тан салобати билан эмас, ҳиммат кучи ва бирлик билани ташийдилар, — деди.

Байт:

Гар доно бир иш чиқмаса

дунёда донодан,

У нодонлар билан тенг

ўтса мўмкин ушбу

дунёда.



Нон дастурхон кўрки, савлати ҳисобланади. Шириндан ширин турли хил пишириқлар эса ошпазларнинг касб маҳорати нишонасидир.

Тошкент Давлат юридик институтини «Куч билим ва тафаккурда» шиори остида талабалар ўртасида билимдонлар танлови ўтказилди.

КУЧ БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Маълумки, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури қабул қилинганди. Ана шу дастур ижросига бағишлаб Тошкент Давлат юридик институтини таъсис қилди.

режа асосида институт профессор-ўқитувчилари талаба-ёшлар иштирокида турли хил анжуманлар, тадбирлар ташкил этиб келмоқда. «Куч билим ва тафаккурда» шиори остида ўтказилган навбатдаги тадбирда талабалар «Фуқаролик ҳуқуқи» фани юзасидан куч синашди. «Қувноқлар ва зукколар» танлови кўринишида ўтган мазкур беллашувга Тошкент Давлат юридик институтини «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси

ўқитувчилари ҳакамлик қилишди. Тошкент Давлат юридик институтининг биринчи ҳуқуқ, иккинчи ҳуқуқ ҳамда учинчи ҳуқуқ талабалари ўртасида ўтказилган беллашувда жами 90 нафар иштирокчи қатнашди. Улар таништирув, сардорлар беллашуви, соҳага оид савол-жавоблар, эркин мазву ва викторинадан иборат олтита шарт бўйича беллашди.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Ҳусусий тадбиркорлик

ДАСТУРХОНИМИЗ КЎРКИ

Меҳмон келганда унинг олдида аввало нон, чой қўйиш, ширинликлар билан сийлаш бизнинг азалий одатимиздир. Шу ўринда ширинликлар турли-туман кўринишида ажойиб шаклда бўлса дастурхонга янада кўрк бағишлайди. Бунда меҳмон ҳам, мезбон ҳам бирдек хурсанд бўлиши табиий.

«Zebiniso-ona» хусусий фирмаси бугунги кунда халқимиз дастурхони учун ана шундай мазали ва ажойиб таъмили ширинликлар ишлаб чиқараётган корхоналардан ҳисобланади.

Ташкил топганига унча кўп бўлмаган корхонанинг «Симба», «Микки маус», «Гуффи» сингари шоколадли конфетлари, сутли, мевали, ёнғоқли вафиллари бола-жонларимизнинг жону дилидир. Айниқса «Му-му», «Олтин қалитча» номли сутли карамель ирисларининг соғувда бозори чаққонлиги сабаб, маҳсулотнинг сифати билан бирга ташқи кўриниши ажойиблиги билан

ҳам ажралиб туришидадир.

Айни пайтда ушбу корхонада «Zebiniso-ona» номли печенье ва вафиллардан ташқари 30 турдан ошпак макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. 900 грамм, 750 грамм, 400 граммли полипропилен қозғаларда қадокланаётган ушбу макарон маҳсулотларидан бугунги кунда барча уй бекалари фойдаланишмоқда. Таомга ўзгача лаззат бағишлайдиган ва тезда тайёр бўладиган қорхона маҳсулотларининг келгусида турларини қўпайтириш режалаштирилган.

Озода РАҲМАТОВА

Қайранар

ҲАҚИҚИЙ ПАНОХ

Даладаги оппоқ қорлар қуёшнинг тафт ҳамласига «таслим» бўлиб, ер семирса ҳаёт фаровон бўларкан, дея ерга сингишайди.

— Тўғри, — дейди ер. — Мен сизга тўйинсам юртинг яхши тўйинтирмаман.

Шудордаги каттақон кесакнинг паноҳида жон сақлаб яшаётган бир уюм қор эса қуёшнинг тафтига дучор бўлма-са, паноҳи унга қалқон бўлиб тураверса. Оппоқ юзи ҳар қуни окшомдан то тонгни изгирингача музлаб яшайверади.

Эртаси тонгдан сўнг қуёшнинг тафти кеңагига нисбатан бироз кўтарилган, кесак қизиди. Табиийки, паноҳидаги ўзбошимча қорга ҳам илиқлик ўтди.

— Сенга ишонувдим-ку, томчиларини милдиратди тошдек қотган қор. — Яна анча вақт яшаш орзуим эди.

— Паноҳини, деб мени хижолат қилма. Атрофингдаги тенгдошларинг яхши ният билан аллақачон ерга сингишган. Ернинг меҳридан сен ҳам баҳраманд бўл. Узок, мазмунли яшашинг шу меҳрга боғлиқ.

— Э, — деди музлаган қор кесакнинг ҳақ сўзига тушунган, — умримнинг ҳақиқий паноҳи ернинг меҳри экан-у, — дея шудорга сингйи бошлади.

ИККИ ХИЛ СОВУҚ

Далага боришимни сезган ўғлим: — Дада совуқдан кўркмайсизми? —

дейди ўзича ачиниб.

— Йўқ, кўркмайман, — дейман йўлга тушар эканман. — Баъзи тоқлар ҳашарчилар томонидан чалароқ ёпилган бўлса уларни тез-тез ҳаракат қилиб бошқатдан ёпанман. Ғайрат ва шижоатимдан исийман, — совуқни енгаман. Совуқ чўзиб увилласа ҳам парво қилмайман.

Ўғлим сўзларимга қизиқибми, кетимдан секин эргашади. Ё таъба, қутилмаган тасодиф юз берди. Узокдан қаршимга келаятган бир кимса кўринди.

— Оббо, ўша-ку, — дейман ижирганиб ўзимга-ўзим, уни олдидан таниган, — тунов қуни унинг тўнғ-совуқ сўзидан кўксим бирам музладики, этим увишиб, бир холатга тушдим. Аъзои-баданим оғриқдан қакшади. Биламан, олов ёқиб, гулханда исинишим ҳам, меҳнатда жўшиб ишлашим ҳам бекор. Кўксимдаги муз эрмайи тураверди. Яхшиям яхшилар бор экан. Иссиқ, ёқимли сўзларидан муз эрийди...

Ўша келаятган совуқча яна рўбарў бўлмай, деб тўғри йўлдан бошқа йўлга бурилдим. Юрайми, юрмайми деб келаятган ўғлимга кўринмай қолдим. Биламан хафа бўлиб ортига қайтади. Майли, бу ҳеч гапмас. Мен унга, келажакда сен ҳам мен каби табиат совуғидан кўркма. Совуқ сўзларидан кўрк, нари юр улардан. Яхшиларга ёндош, кам бўлмайсан, — дегим келди.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

Мағлим

«СОЛЬФЕДЖИО» ДАН
КЎЛЛАНМА

Музыка санъатининг оммабоп жанрлари бўйича қатор ўқув адабиётлари чоп этилди. Тошкент музыка коллежи педагог-ўқитувчилари томонидан ёзилган дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам талаба-ёшларга яхши совға бўлди.

«Дугор тароналари», «Ўзбек халқ оркестри», «Дамли» ва зарбли «олғуларда» наглини ўргатиш» услубидан ҳам музыка таълимида кенг фойдаланилмоқда.

Бундай қизиқарли ўқув адабиётлари сони яна биттага ортди. Музыка таълимида асосий фанлардан бири ҳисобланган «Сольфеджио» бўйича яратилган бу қўлланма коллежининг олий тоифали педагоғи Нодира Ражабова муаллифлигида босмага тайёрланди.

Янги қўлланмада овозни тўғри сошлаш машқлари, дирикторлик ҳаракатлари оид амалий-назарий тушунчалар ҳам атрофлича таҳлил қилинган.

Аҳдам ВАЛИЕВ

САВДОЛАР
ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси орқали ўтган 2004 йилда 450,086 миллиард сўмлик маҳсулотлар сотилди. Бу олдинги йилларга нисбатан 56,1 фоиз кўп демакдир.

Ўтган йилда биржа орқали 337,683 миллиард сўмлик юқори ликвидли маҳсулотлар сотилган. Шундан 327,604 миллиард сўми Вазирилар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмидаги турли шартларини қўриқиб туриши»даги қароридан белгиланган маҳсулотлар уллушга тўғри келди.

Мазкур қарорда монополист ташкилотларнинг юқори ликвидли маҳсулотларини Республика товар хом ашё биржаси кимшоиди савдоларида эркин нархда сотилиши белгиланган. Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотларга иккиламчи алюминий, тозаланган мис, металл рух, кабел-сим маҳсулотлари, чигит шулкаси, шрот (қунжара), ем бўладиган дон, оқшюқ, қанд-шаркар, ун, ўсимлик мойи кабилар киритилди. Шунингдек, махсус белгиланган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларнинг стра-

тегик турлари ҳам киритилган. Улар табиий газ, автомобиль бензини, дизель ёқилгиси, ёқилги мазути, авиация керосини, кўмир, пахта мюми, минерал ўғитлар ҳамда қора металллар прокатидан иборат.

Монополист корхоналарининг юқорида айтилган рўйхатга киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охириги санада эълон қилинган биржа (кимшоиди савдолари) котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилиши мўмкин. Маҳсулотлар биржа ва кимшоиди савдолари орқали, шунингдек биржа котировкаларининг ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар бўйича сотилган тақдирда, эълон қилинган чекланган нархни ошириб юбюрганликлари учун уларга монополияде қарши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жазолар қўлланилмайди.

Тиллаҳўжа
АЛИМУҲАМЕДОВ,
«Туркистон-пресс»

Бү — кизик

ҲАМ МИНГДАН
ОРТИК


Ҳар тонг кўпчилигимиз тетиклангирвчи восита сифатида бир пиёла қаҳва ичишга одатланиб қолганмиз. Лекин ҳозиргина узиб олинган атиргулнинг хушбўй иси мия хужайраларини қаҳвадан ҳам яхшироқ фаоллаштириб юборишини ҳаммамиз ҳам биламизми? Иштихон топшираётган талабалар учун ялпиз иси келатган хонанинг нафи кўпроқлигини-чи? Бу ҳидлар компьютерда ишловчилар учун ҳам жуда фойдалидир.

Маълум бўлишича, инсон 10 мингдан ортиқроқ ҳидни ҳис қилар экан. Тажрибали ошпазлар таомнинг мазасини кўрмасдан, унинг ҳидидан ҳам овқатнинг туз меъёрини аниқлашлари мумкин.

Қадимги Миср ва Осурийлар давлатида уйлар, ибодатхоналарда ўзидан хушбўй ҳид таратувчи ўсимликларни тутатиб қўйиш одат бўлса, Римда хоналарга ёқимли исли сувлар сепилган. Хушбўй моддаларнинг инсонга маълум маънода ижобий таъсир кўрсатиши аллақачон аниқланган. Улар ҳатто мушаклар қувватини, нафас олишни, қон томирнинг уришини, кўриш, эшитиш қобилиятини ўзгартира олади. Шарқда бир неча замонлардан буюн ҳид бўйича одамнинг касал ёхуд соғломлиги аниқланган. Касалликлар ташхиси, шунингдек, инсон кайфияти ҳам шунда маълум бўлган. Албатта бунинг учун ўта сезир бўлиш лозим. Ароматерапия фани эса айнан ҳид билан даволаш ҳақидаги фандир.

Шуниси аниқки, харидорларнинг 70-80 фоизи сотиб олаётган озиқ-овқат хоҳ пардоз, хоҳ техника маҳсулоти бўлмасин, ўзлари сезмаган ҳолда унинг ҳидига қараб баҳолайдилар. Ишлатилган автомобилларнинг айрим зукко сотувчилари ёнида идишига атайлаб хушбўй моддаларни қўшадилар. Чунки бунда машина худди яп-янгидек таассурот уйғотади-да. Устига-устак «автомобилнинг ҳалол сотувчиси» — хушбўй аралашмасининг пайдо бўлиши хорижлаги байзо харидорларнинг сотувчи гапига лаққа ишонган ҳолда кўзни чирт юмиб пулни санаб бериш имконини яратади. Феромон — хулқ-атворга таъсир кўрсатиб, бирор ишга ундовчи ёки унинг тескарисини бажаришга ундовчи модданинг таъсир кучига энди ишонгандирсиз.

ОАО «Шифобахш-булок» 2005 йил 1 февралдан МЧЖга айлантирилляпти. Шу муносабат билан ҳамма шикоят ва аризалар 2005 йил 15 февралгача Х.Асомов кўчаси, 1-уйда қабул қилинади.



Бободехқонларимиз етиштирган нозу неъматлар ҳамиша дастурхонимиз кўркидир.



Бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида Собир Раҳимов тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи уринбосари Хамдам ака Худойбергенов бизга куйидигиларни сўзлаб берди.

Бўлим ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талаблари ижроси юзасидан туман ҳудудидаги «Келес» йўл-патруль хизмати масканида тадбир ўтказилди. Ушбу маскандан ўтиб келаётган «Москвич-414» русумли давлат рақами 30 I 63-01 бўлган машина тўхтатилиб, текширилганда фуқаро М.Мирзаевага тегишли Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 160.000 сўмлик 400 шиша 0,5 литр сифимли «Балтика» пивоси борлиги аниқланган.

Шунингдек, ушбу маскандан ўтаётган «Нексия» русумли давлат рақами 10 U 89-43

Солиқ

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР
ПАНД ҒДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарорининг қабул қилинганига икки ярим йил ўтган бўлсада, айрим шахсларнинг республикамиз ҳудудига ҳоржиде ишлаб чиқарилган маҳсулотлари ноқонуний равишда, божхона тўловларини тўламадан, гайриконуний йўллар билан олиб киришга уринаётганлик ҳолатлари ҳали ҳам аниқланмоқда.

Бўлган автолов тўхтатилган. Текширувда фуқаро Ф.Юсуповага тегишли машинанинг юкхонаси ва салоноида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 130.000 сўмлик 60 дона 1,5 литр сифимли елим идишларга жойланган спирт маҳсулотлари, 40 дона 0,5 литр сифимли «Пшеничная» ароғи ва 15 дона 0,5 литр сифимли «Золотое колцо» ароқлари олиб келинаётганлиги аниқланди. Фуқаро Г.Нарметов бошқарувидаги «ГАЗ-2401» русумли ав-

тоулов тўхтатилиб текширилганда, автолов юкхонаси ва салоноида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 40 шиша «Караганда», 200 шиша «Золотая бочка», 200 шиша «Старый Мельник», 180 шиша «Невский» ва 40 шиша «Балтика №9», жами 660 шиша, умумий қиймати 330.000 сўмлик пиво маҳсулотлари борлиги аниқланган. Шу куни ходимлар томонидан туман ҳудудидаги «Шифобахш сувлар» Йўл-патруль хизмати масканида ҳам тадбир

ўтказилган. Фуқаро А.Сиддиқов ишончнома орқали бошқараётган «ВАЗ-21061» русумли автолов тўхтатилиб текширилганда, автолов юкхонаси ва салоноида ҳеч қандай ҳужжатларсиз 130 та 1,5 литр сифимли елим идишларга жойланган жами 195 литр, умумий қиймати 325.000 сўмлик спирт маҳсулотлари борлиги аниқланган.

Бундай ҳолатларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Аммо шу ўринда «сохта тадбиркорлар»нинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари орқали ўзлари билиб-билмай инсонлар соғлиғига қанчалик зарар етказётганлари, мўмай даромад йўлида виждон ва иймонларини унутиб яроқсиз озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини ташиб келаётганлари жуда ачинарли. Бойлик орттиришга ружу қўйган бу тадбиркорлар қонунда белгиланган тартибларга амал қилган ҳолда иш юритишганда ҳузур-ҳаловати, мол-мулкдан айрилмаган бўлар эдилар. **Мухлиса МАХМУДОВА**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетиде «Ўзбекистонда корейс тили ва корейшунослик» мавзуйда илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбир Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, LG корпорацияси ҳамда юртимиздаги корейс миллий-маданий маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

КОРЕЙС ТИЛИ ВА КОРЕЯШУНОСЛИК

Бугунги кунда кўпмиллатли мамлакатимизда корейс миллатига мансуб аҳоли тинч-тотув ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликда истиқомат қилмоқда. Ушбу миллат вакиллари ўз тили, дини ва урф-одатларини сақлашга ҳамда бошқаларга танитишга ҳаракат қилади. Айниқса, юртимизда корейс тили ва корейшуносликни тарғиб қилиш бўйича қатор лойиҳалар ишланмоқда. Жумладан, Жаҳон тиллари университетиде корейс тили факультети фаолият юритмоқда. Бу ерда таълим олаётган ёшларга ушбу тилни чуқурроқ ўргатиш мақсадида Корейдан махсус мутахассислар таклиф этилган.

Университет Корейнинг бир неча олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, бугунги кунда икки нафар ўзбекистонлик талаба ушбу давлатнинг университетларидан бирида таълим олмоқда.

Анжуманда ўзаро ҳамкорлик масалалари ва корейшунослик фанининг истиқболлари, муаммолари муҳокама қилинди. Унда иштирок этганлар бу каби анжуманларнинг ўтказилиши миллатларни бир-бирига танитишга ва яқинлаштиришга, шунингдек бу соҳадаги муносабатларнинг янада яхшиланишига кўмак бўлишини таъкидлашди.

Маълумотлар

ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАГАНДА

Баъзан кишининг жиғилдони қайнаши, кекирганда аччиқ маза келиб кайфиятини хира қилиши мумкин. Жиғилдон қайнаши одамнинг ошқозон-ичак фаолиятида турли нуқсонларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Мабодо сурункали равишда жиғилдон қайнаса унда албатта шифокорга кўриниш лозим. Шифокор беморни ҳар томонлама текшириб, биологик намуналар олдириб, таҳлил қилган ҳолда аниқ ташхис қўйиб тегишли даво, муолажалардан фойдаланишни тавсия этади.

Кўйида эса жиғилдон қайнаганда малҳам бўладиган халқ табobati муолажаларини келтириб ўтамиз. Мабодо жиғилдоннинг қайнаса, олхўри тановул қилинг.

Картошканинг сиқиб олинган суви жиғилдон қайнашига қарши яхши омил ҳисобланади.

Ялпизнинг спиртли тиндирмасидан канд бўлаги ёки сувга 15 томчи томизиб ичилса жиғилдон қайнаши шифосига ёрдам беради.

Жиғилдон қайнашида 3-4 дона нўхат донини чайнаб истеъмол қилиш тавсия этилади. Мабодо кутулган натижага эришилмаса бу амал яна такрорланади.

1 ош қошиқ Эрбаҳо ўти ярим чой-

нак қайноқ сувда 30 дақиқа давомда дамланади, сўнгра сузиб олиб, дамладан бир ош қошиқдан овқатланишдан олдин ичилади.

Жиғилдон қайнашида газли маъданли сувларни ичиш ҳам маълум даражада нохушлиқдан холи этади.

Баъзида жиғилдон қайнаши ўт — сафро йўлларининг яллиғланиши билан ҳам юз бериши мумкин. Бундай ҳолатларда шифокор ўт ҳайдовчи воситалардан фойдаланиш лозимлигини тавсия этиши ёки лозим кўриладиган даво чораларини белгилаши ҳам мумкин.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРАДИ

Тошкентдаги Республика ўқувчилар саройида икки йилдан буюн «Интеллектуал ёшлар» ўқув маркази фаолият юритмоқда. Куни кеча ўқувчиларга инглиз тилини чуқур ўргатишга ихтисослашган марказнинг навбатдаги битирувчиларига сертификатлар топширилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий университети маданият саройида ота-оналар куни байрам тадбири ўтказилди.

«Интеллектуал ёшлар» ўқув марказида мамлакатимиз ҳамда хорижнинг нуфузли университетларини битирган ўқитувчилар инглиз тилидан дарс беришади. Дарслар жараёнида аудио ва видео воситаларидан кенг фойдаланилади. Бир қанча хорижий ташкилотлар билан ўрнатилган алоқалар самараси ўлароқ, кутубхона фонди тобора кенгайтирилмоқда. Ўқитувчилар эса махсус тренингларда ўз малакаларини ошириб боришмоқда. Ота-оналар куни тадбирини ўтказиш марказнинг анъанасига айланган.

Тадбирда инглиз тилини пухта эгаллаган ўқувчиларнинг бир гуруҳига сертификатлар топширилди. Шунингдек, китоб ўқиш борасида бошқаларга ўрнак бўлганлар ҳам тақдирланди. Бадий чқишларда интеллектуал ёшлар ўқув марказининг ўқитувчилари ҳам болалар билан бирга турли сахналарни намойиш этишди.

Марказнинг бошқалардан фарқи шундаки, бу ерда инглиз тили боланинг савиясига қараб босқичма-босқич ўқитилади. Бундан ташқари марказ маъмурияти дарс бериш баробарида ўқувчиларнинг тарбиясига ҳам катта эътибор қаратади. Улар учун спорт мусобақалари, ёзги таътиллار уюштирилади. Бу жараёнда мулоқот тўла инглиз тилида бўлади. Бу эса нафақат назарий балки амалий кўникмаларни оширади.

Интеллектуал ёшлар ўқув маркази ўқувчилари турли танлов ва фан олимпиадаларида ҳам фаол иштирок этиб келишади. Марказ ҳаётини акс эттирувчи журнал ва интернетдаги веб саҳифаси ноширлик борасида қилинаётган ишлар сирасига қиради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,
«Туркстон-пресс»

Футбол

**УЧРАШУВ
ҲАКАМЛАРИ
МАЪЛУМ**

Маълумки, 2006 йилда Германияда жаҳон чемпионати мусобақалари ўтказилади. Ушбу нуфузли мусобақанинг финал босқичига йўлланма олиш мақсадида Осиёнинг сакиста терма жамоаси саралаш турнирининг иккинчи босқичида икки гуруҳга бўлинган ҳолда бахсларни давом эттиришади.

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг "А" гуруҳида қатнашиш кўзда тутилган Равшан Ҳайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси биринчи учрашувини Тошкентда Саудия Арабистони терма жамоасига қарши ўтказди.

Кунги кеча олинган маълумотга кўра 9 февралда ўтиши мўлжалланаётган Ўзбекистон — Саудия Арабистони термалари баҳсини ФИФА ҳакамлар кўмитаси қарорига кўра япониялик ҳакамлар бошқариладиган бўлиши. Тортунчи Камикава учрашувга бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, унинг юртдошлари Йошикава Хирошима, Хироши Тузукалар қанот ҳақамаи вазифасини бажаришади.

Дарвоқе, Тортунчи Камикава ўзбекистонлик мухлисларга яхши таниш. Чунки у 2002-2003 йилги Осиё чемпионлар лигасининг Тошкентда ўтказилган "Пахтакор" — "Бек Торо Сасана" жамоалари ўртасидаги ярим финал учрашувини ҳам бошқарган.

**«ПАХТАКОР»ДА
ЎЙНАЙДИМИ?**

Ёшлар ўртасида 2003 йилда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб чиroyли ўйинлари билан мутахассислару мухлислар эътиборини қозонган собиқ пахтакорчи Ярослав Крушельницкий айни кунларда Тошкентда дам оляпти.

Гап шундаки, ўтган мавсумни Волгограднинг "Ротор" жамоаси таркибида ўтказган Крушельницкийнинг жорий йилги мавсумда қайси жамоада тўп суриши номаълум бўлиб турибди. Чунки айни кунларда Туркияда машғул олиб бораётган "Ротор" жамоаси мураббийлари нима учундир Крушельницкийга таътил беришган. Айрим мутахассислару мухлислар Крушельницкийни "Пахтакор"га қайтади, дея тахмин қилишмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Баскетбол

**ШАҲАР БОСҚИЧИ
ЯКУНЛАНДИ**

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг ҳар хил турлари бўйича тез-тез мусобақалар ўтказилиб турибди.

Жумладан, Чилонзор туманидаги 168-мактабда баскетбол бўйича туманларда ўтказилган мусобақалар голиблари бўлмиш энг кучли жамоалар ўртасида шаҳар босқичи беллашувлари бўлиб ўтди.

Ўсмирлар ва қизлар ўртасида ташкил этилган ушбу қизиқарли турнирда ўн битта тумандан жами 22 та командалар қатнашиб, галаба учун кураш олиб боришди. Жамоалар таркибидан асосан мактабларнинг 10-11-синфлар ўқувчилари ўрин олишди.

Турнир натижаларига назар ташлар эканмиз, албатта, ёшлар ўртасида жамоавий спорт турларини ривожлантиришга қайси туманларда эътибор билан ёндошилаётганининг гувоҳи бўламиз. Чунки, ўсмирлар турнирида Чилонзор ту-

манининг ёш баскетболчилари голиб чиққан бўлса, қизлар ўртасида ушбу туман спортчилари иккинчи бўлишди. Юнусободлик ёшлар ҳам турнирда ўзларини кўрсатишди. Улар ўсмирлар баҳсида учинчи, қизлар ўртасида эса иккинчи ўринларни эгаллашди.

Миробод тумани жамоаси ўсмирлар ўртасида иккинчи натижани кўрсатди. Мирзо Улуғбек тумани баскетболчи қизлари ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олишди. Голиб ва совриндорларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТЛАРДА: қизиқарли беллашувлардан лавҳалар.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Тошкентдаги замонавий санъат марказида рассомлар — Валерий Енин ва Виктор Трошиналарнинг шахсий кўргазмаси очилди. Кўргазма Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

— Валерий Енин ва Виктор Трошиналар ўз асарларида пурвиқор қирғиз тоғларини, Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг бетакрор гўзал табииатини тараннум этганлар, — деди кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Улуғбек Чиналиев. — Бу асарларни томоша қилган санъатсеварлар қирғиз халқининг анъана ва удумлари билан танишиш шарафига муяссар бўлади.

Бундай кўргазмаларни ташкил қилиш Қирғизистон

Республикаси элчихонасининг ўзига хос яхши анъанасига айланиб қолди. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистонлик санъат усталарининг рангташвири ва керамика асарлари кўргазмаси бўлиб ўтган эди.

2004 йили Қирғизистондаги Иссиқкўл кўлида бўлган бир гуруҳ ўзбекистонлик рассомлар ўзига хос ижодий ҳисобот беришганди — кўргазма ташкил этилганди. Энди узоқ йиллар давомида бу рассомлар ижодининг асосий мавзуси тоғлар бўлиши шубҳасиз.

Тошкент шимолий темирйўл вокзалидан "Экосан" халқаро ташкилот томонидан навбатдаги саломатлик поезди жўнатилди.

**НАВБАТДАГИ
САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ**

Мазкур саломатлик поезди жамғарманинг жорий Сихат-саломатлик йилга бағишланган "Соғлом муҳит — соғлом турмуш гарови" мақсадли дастури доирасида сўнгги йилларда Тожикистон алюминий заводи фаолиятидан азият чекаётган Сурхондарё вилоятига юборилди.

Поезда иссиқ кийим-кечаклар, болалар куртқалари, пойабзаллар, «Гематоген» даволаш-озуқавий препаратлари, «Полисепт» дезинфекциялаш моддаси, кўрпа-тўшак ғилофлари ва бошқа халқ истеъмоли молларидан иборат 36 миллион сўмдан ортиқ инсонпарварлик юки ортилган. Мазкур ёрдамлар биринчи навбатда Узун, Саросиё, Денов

туманларининг тиббиёт муассасаларига, болалар боғчалари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа ижтимоий объектларга топширилади.

Мазкур акция доирасида 19 январь кунини Сурхондарё вилоят ҳокимлигида "Экосан" халқаро ташкилотининг вилоят бўлимининг фаоллар йиғилиши ўтказилди. Унда вилоятдаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиб, Тожикистон алюминий заводи билан боғлиқ бўлган вилоятдаги экологик вазият, Сихат-саломатлик йилидаги бажариладиган ишлар режаси муҳокама қилинди.

Алоуддин ҒАҒФОРОВ,
"Туркистон-пресс"

Шурфа хангомалар

**МИЛЛИОНГА
ТУШГАН ЙЎТАЛ**

Британиялик майор Чарльз Ингрэл бемаҳал йўталиб қўймаганида нақ миллион фунт стерлингни қуртдек санаб олган бўларди. Ким миллионер бўлишни истайди? Лондон шоуси ўтказган аудиторияда майорнинг худди ўша шубҳали йўтали танлов ташкилотчиларида гумон уйғотиб миллион фунт стерлингни беришдан воз кечишига сабаб бўлди. Чарльз ўн бешта саволнинг барчасига тўғри жавоб бергач, қимматбаҳо чекини олиши керак эди. Бироқ ҳайъат аъзоларидан бири йўталнинг сонини тўғри берилган саволлар сонига қийслаб қолса борми!? Иш бузилиб, суриштирув бошланди. Бир томондан майор йўтини ташкил этган компанияни судга бериш билан дағдаға қилмоқда. Иккинчи томондан эса майорнинг хотини ва акаси голиб чиқиб қатта сума олишган танловнинг шубҳалилиги устида гап кўпаймоқда.

**ТОМОШАБИНЛАРНИ
ЛОЛ ҚОЛДИРДИ**

Хитойлик Чжу Чжаухуэй ўз автомобилида йигирма беш метрли жойдан сакраб ўтди. Кўпчилик бунга бўлмаган гап, лоф деб ўйлаши мумкин. Аслида эса кўплаб томошабинлар кўзи олдида бўлган воқеа. У 1999 йилда ўз мотоциклда Хуанхэ дарёсининг энг кенг жойидан сакраб ўтиб томошабинларни лол қолдирганди. Бу сафар у Цзанси вилоятининг Цзинганшан деган жойдаги икки дўнглик орасидан сакраб ўтди. Кўз қўриб, қулоқ эшитмаган бу хангоманнинг ташкилотчилари сакраш олдидан автомобиль тезлигини ошириш учун дўнгликнинг бир

томонида 280 метр йўлни асфальтладилар. Сакраб ўтган тезлики пасайтириш учун 120 метрлик йўл асфальтланди. Камида ўттиз минг томошабин қийқиринг остида Чжаухуэй автомобилида бир дўнгликдан иккинчи дўнгликка сакраб ўтди.

**ҲУҚУҚИНИ
БИЛГАН ҚАРИЯ**

Американинг тамаки компанияларидан бири Флорида Штатида истикомат қилувчи етмиш ёшли қарияга бир миллион юз минг доллар миқдорда товон пули тўлади. Маълум бўлишича, қария узоқ муддатли тамаки чекиш оқибатида ўпка саратонига мубтало бўлган экан. Бу — яқка шахсининг саломатлигини йўқотганлиги тўғрисида суд орқали товон пули ундиришга муваффақ бўлган камбў воқеалардан бири эди.

**МАЖБУРИЙ
ЖАРРОҲЛИК
АМАЛИЁТИ**

Кения фуқароси қўл телефонини йўқотиб қўйди. Қидирмаган ери қолмади, қани энди топила қолса?! Алламаҳалгача носқовонини йўқотган бангидек каловланиб юрди. Юрса ҳам, турса ҳам хаёли телефонда бўлди. Ниҳоят миясига лоп этиб келган фкирдан қўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Ҳузга-ҳуз деди:

— Яхшиси бошқа телефон апарратидан қўл телефонининг рақамларини териб, овозидан қаердалигини билиб олам.

Рақамларни териб улгурмасиданок қўл телефонининг таниш кўнғироғи қулоғига чалин-

ди. Телефон эгаси товуш келаётган томонга қарадио бошидан хуши учиб кетди: товуш ёнида ётган итнинг қорнидан чиқарди. Айтишларича, бундай воқеа биринчиси эмас экан. Мамбаса шахрида истикомат қилувчи Камол Шохнинг овчаркаси ҳам қўл телефонини ютиб юборган экан. Қўл телефонини олиш учун жониворлар жарроҳлик операциясига чиқарилди.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ
тайёрлади.



Сўзсиз сурат.
Абдурашул Ҳакимов чизган расм.



**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзиллари: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ оёқсиз
услудли босилди.
2764 нуссада босилди. Кўргаз биринчи А-3

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтабинтига" — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнингиз мумкин.

Газета "Тошкент оқшоми"нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахоҳаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.